



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 28 июль, № 155 (7113)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЧИНАКАМ ХАЛҚЧИЛ ТИЗИМГА АЙЛАНМОҒИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль куни жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, прокуратура, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари раҳбарлари, Миллий гвардия қўмондони ва Олий суд раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари иштирок этди.

Қонун устуворлигини таъминламасдан, жиноятчиликнинг олдини олмасдан халқ ишончини қозониш мумкин эмас. Давлатимиз раҳбари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда, барча даражадаги раҳбарлардан қатъий масъулият ва жавобгарлик талаб қилинмоқда.

Шу масқадда ички ишлар тизими тубдан ислоҳ қилинди. Жумладан, илгари барча ҳодимларнинг 60 фоизи шахар ва туман бошқармаларида, 40 фоизи жойларда фаолият юритган бўлса, энди 35 фоизи идораларда қолдирилиб, 65 фоизи аҳолига яқин бўлиши учун маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида ишлаш бошлади. Тизимни такомиллаштиришга оид 80 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинди.

Аммо бундай чора-тадбирларга қарамайдан, жойларда ҳали жиноятчиликнинг тул индизига тўлиқ етиб борилмаётти. Жиноятларнинг асл сабаблари ўрганилмаётти, маҳалла, меҳнат жамоалари ва таълим масъасаларидаги муҳокамалар номига ташкил қилиниб, расмиятчиликдан нарига ўтмаётти.

Маълумотларга қараганда, 2017 йилда жиноятлар 2016 йилдагига нисбатан 16 фоиз, жорий йил 6 ойида эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 39 фоиз камайган. Лекин қасддан одам ўлдирishi, оғир тан жароҳати етказиш, талончилик, босқинчилик, ўғрилик ва фирибгарлик жиноятларининг сони ҳамон юқорилигича қолмоқда.

— Ҳамма бирдек енг шимариб, муаммолардан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олган ва унинг туб моҳиятини тушунтирганга эди, бугунги аҳвол ва рақамлар умуман бошқача бўларди, — деди давлатимиз раҳбари. — Афсуски, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳанузгача эскича ишлаш тизимидадан воз кеча олмапмиз.

Йиғилишда қайд этилганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш амалиёти авж олган. Шу сабабли энди жиноятчиликни яхшиловаш бўйича ишлар бутунлай янгича тизимда ташкил этилади. Бу тизим “Жиноят ҳақиқати ва адолат” деб номланади. Масъул раҳбарлар жойларга бориб, жиноятларнинг са-

бабларини ўрганади, муҳокама қилади, такрорланишининг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўради. Оммавий ахборот воситаларида “Жиноят ҳақиқати ва адолат” руқни ташкил этилиб, барча ишлар батафсил ёритиб борилади.

Шуни инобатга олган ҳолда, Тошкент шаҳрида жорий этила бошланган “Хавфсиз пойтахт” концепциясини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида “Хавфсиз шаҳар” шаклида йўлга қўйиш, бунда ҳар бир ҳудуднинг ўз хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги таъкидланди. Бош вазир, Бош прокурор, ички ишлар ва мудофаа вазирлари, Миллий гвардия қўмондони ва Олий суд раисига бу борада тегишли топшириқлар берилди.

Жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этишга мойил шахслар ҳисобини юритишнинг самарали механизмининг жорий этиш зарур. Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларнинг ягона ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва ўзаро ахборот алмашувиға масъул Ахборот маркази эса лойқад масканга айланиб қолган. Бунга чек қўйиш учун Ахборот марказини Бош прокуратура таркибига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларни рўйхатда олишининг электрон тизимини жорий қилиш лозим. Бу ишларнинг узвий давоми сифатида ҳар бир ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолияти рейтингини жорий этиш керак.

Хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлайдиган бошқа ташкилотлар, ҳокимликлар, ички ишлар бўлимларида ёшлар бўйича ўринбосар лавозими жорий этилди. Лекин жиноят содир бўлганда уларнинг фаоллиги кўзга ташланмаётти. Жойлардаги масъуллар жиноят бўйича муҳокамаларни ўзлари ташкиллаштириши ва сабабларини аниқлаши, оммавий ахборот воситаларида бевосита чиқиб маълумот бериши даркор. Шундагина ҳар бир жиноятнинг индизига чак етиб бориш мумкин бўлади. Акс ҳолда, ҳамма жиноятчиликка қарши курашиш имунитетини шакллантириш ўрнига унинг оқибатлари билан овора бўлиб қолавереди.

Йиғилишда сўнгги пайтда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайгани билан боғлиқ муаммо муҳокама қилинди. Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга оид дастурлар доирасида психиатрия шифохоналари ва психоневрология диспансерларининг моддий-техника базаси яхшилангани, кадрлар малакасини оши-

риш тизими йўлга қўйилгани, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази, туман хотин-қизлар кўмиталари ҳузурида махсус марказлар ташкил этилаётгани, “хавф остидаги ғуруҳ”да бўлган шахсларнинг ягона электрон базаси шакллантирилаётганига қарамай, масъулларнинг бу масалага ёндашув ва муносабатиди кескин ўзгариш кузатилмапти. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар кўмитаси ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳодисага “фавқулодда ҳолат” сифатида қараши, таълим муассасаларида ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймасликка қаратилган психологик дастурлар ишлаб чиқиши лозим. Дин ишлари бўйича кўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўз жонига қасд қилишга нисбатан муқаддас динимизнинг муносабатини таъсирчан усулларда кенг оммага тушунтириши зарур.

Жорий йил 6 ойида рўйхатга олинган жиноятларни, асосан, ўғрилик, фирибгарлик, талончилик ва босқинчилик ташкил қилган. Бу ҳолат профилактика, жиноят-қидирув ва қўриқлаш хизматлари фаолияти мутлақо қониқарсиз эканидан далолат беради. Масалан, юртимиздаги хонадонларнинг 0,7, тадбиркорлик объектларининг 12 фоизигина қўриқлаш пултига уланган, оммавий жойлардаги видеокамераларида ёшлар тизимга ўринбосар лавозими жорий этилди. Лекин жиноят содир бўлганда уларнинг фаоллиги кўзга ташланмаётти. Жойлардаги масъуллар жиноят бўйича муҳокамаларни ўзлари ташкиллаштириши ва сабабларини аниқлаши, оммавий ахборот воситаларида бевосита чиқиб маълумот бериши даркор. Шундагина ҳар бир жиноятнинг индизига чак етиб бориш мумкин бўлади. Акс ҳолда, ҳамма жиноятчиликка қарши курашиш имунитетини шакллантириш ўрнига унинг оқибатлари билан овора бўлиб қолавереди.

Йиғилишда ёшлар орасида жиноятчилик камаймаётгани масаласи қўриб чиқилди. Жорий йилнинг 6 ойида юртимизда қайд этилган жами жиноятларнинг 30 фоизиди ёшларнинг қўли борапти ачинарлидир. Бунинг сабаби ёшлар ягона го, ягона мақсадлар йўлида жипслаштирилмаётгани, таълим-тарбия ва бандлиқни таъминлашда қўллаб тизимли муаммолар ҳал этилмаётгани-

дадир. Масалан, бир йилда 600 мингдан зиёд йигит-қизлар мактаб, лицей ва коллежларни битиради. Олий ўқув юртлари уларнинг 10 — 15 фоизини қабул қилади. Демак, қолганлар эртага ким бўлиши ҳақида бош қотириш зарур. Уларга муносиб шароит қабул қилинди, 800 миллиард сўм маблағ айнан ёшлар тадбиркорлиги, бандлиги учун йўналтирилди. Масъуллар уйма-уй юриб, ёшлар билан суҳбатлашиши, уларнинг орзу-мақсадларини билиш орқали ушбу дастурнинг тўлиқ ижросини таъминлаши лозим.

Йиғилишда йўл-транспорт ҳодисалари кўпайгани билан боғлиқ масала муҳокама қилиниб, бу борада энг асосий муаммо ҳайдовчи ва пиёдаларнинг билим-кўникмалари, қонунга итоаткорлик ва бошқа йўл ҳаракати иш-тироқчиларига ўзаро ҳурмат маданиятини ўта пастлигида экани таъкидланди. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жазо қўлланилган, лекин натижа қутилганидек эмас. Йўлларнинг аҳоли, йўл белгиларини хатловдан ўтказиш, уларни босқичма-босқич замонавий қопламали йўл белгилари билан алмаштириш борасидаги ишлар талабга жавоб бермайдми. Ички ишлар вазирлиги, Автомобиль транспорти агентлиги, Автомобиль йўллари давлат кўмитаси 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясида кўрсатилган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаши даркор. Шу билан бирга, соҳага давлат-хусусий шериклик механизмининг жорий этиш, ҳудудларда магистраль йўлларни хусусийлаштириш, пуллик хизматни йўлга қўйиш, йўл ҳаракати қоидаларини қасддан бузганлик учун жавобгарлиқни қучайтириш чораларини қўриш керак.

Мана шундай камчиликлар туфайли ички ишлар идоралари чинакам “Халқчил ички ишлар органлари”га айланмаётти. Ханузгача мурожаатларни эътиборсиз қолдириш, хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашиш ҳолатлари мавжуд. Кейинги вақтларда тизим ҳодимларининг номақбул ҳаракатлари, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишига доир ҳолатлар интернетда кенг муҳокама қилинаётгани ички ишлар органларининг обрўсига путур етказмоқда. Ички ишлар вазирлиги кенгайтирилган хайъат мажлиси ўтказиб, бундай ҳодисаларни муҳокама қилиши, келгусида йўл қўймаслик чораларини қўриши лозим.

Маълумки, ҳудудларда жино-

ятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссияси фаолиятини самарали ташкил этиш учун 5 та минтақавий ишчи гуруҳининг ҳар бирига тегишли ҳудуд ва масъул раҳбарлар бириктирилиб, аниқ вазифалар юклатилган. Сони ошган жиноятларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароит ўрганилиб, ҳар бир турдаги жиноятнинг барвақт олдини олишга қаратилган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги тадбирлар қозғода қолиб кетмаслиги кераклигини, ҳар бир тадбир, ҳар бир ҳаракат аниқ натижага қаратилган бўлиши, аҳолининг мушқулини енгил қилишга сафарбар этилиши зарурлигини қайд этди. Бунинг учун Республика комиссияси ҳар бир туман ва шаҳарга криминоген вазият нуктаи назаридан “таҳхис” қўйиб, унинг натижасига кўра мамлакатнинг криминоген харитасини ишлаб чиқиши керак.

Айни пайтда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳаммага, жумладан, судларга ҳам бирдек тегишли вазифадир. Лекин айрим судлар раислари нафақат бу ишни, балки ўзига юклатилган профессионал вазифаларни ҳам лозим даражада бажармаётти. Шу нуктаи назардан, Судьялар олий кенгаши, Олий суд судларда ишни тўғри ва самарали ташкил этиш, суд раислари фаолиятини баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилаш, жиноятчиликнинг олдини олишда судларнинг иш-тироқи ва масъулиятини ошириш бўйича аниқ тадбирлар қўриши даркор.

Муҳокама қилинган барча масалаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ички ишлар органларининг таҳлилий-ҳуқуқий ва прогнозлаш фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бермайдми. Таҳлил қилиш қобилиятига эга кадрлар тарбиялаш борасида Ички ишлар вазирлиги Академиясининг фаолиятини қониқарли, деб бўлмайдми. Чунки жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда унинг динамикасини прогноз қилиш муҳим шартлардан ҳисобланади. Шуни инобатга олган ҳолда, тегишли мутасаддиларга ички ишлар органларининг бошқарув, тизимли таҳлил, прогноз ва назорат йўналишларидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, аниқ мақсадли чора-тадбирлар белгилана олди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Ф А Р М О Н И

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг тўққинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва республиканинг инвестициявий ҳозирдорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар олиб боришмоқда.

Ушбу мақсадда муқобил текширувлар ва режадан ташқари текширувларнинг барча турлари бекор қилинди, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги бир қатор лицензияланган фаолият турлари ва рұхсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилди ҳамда соддалаштирилди. Мазкур чора-тадбирлар мамлакатда ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро микёсдаги рейтингига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти соҳасида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда, уларнинг ҳал этилиши бизнесни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг қафолатли Ҳимосини таъминлаш имконини беради. Хусусан:

Биринчидан, назорат қилувчи органлар ва инфсофи тадбиркорлик субъектлари ўртасида ишончли ҳамкорлиқни ўрнатишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилинганлиги амалдаги текширувлар тизимини, давлат назоратининг бошқа турларини, шунингдек, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тартибини тубдан қайта қўриб чиқишни талаб этади;

Иккинчидан, қонун ҳужжатларида замон талабларига жавоб бермайдиган айрим ҳуқуқий механизмларнинг мавжудлиги сабабли солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пенялар ва молиявий жарималар бўйича қарздорликлар сўнғий йўл билан йиғилиб бормоқда;

Учинчидан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган давлат органларининг самарасиз ва ортиқча назорат функциялари амал қилмоқда;

Тўртинчидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларнинг ташкилий жиҳатлари ва тартиб-таомилларини комплекс тартибга солиш ҳамда уларнинг қонунийлиги мониторингини олиб боришини яна яхлит тизими мавжуд эмаслиги назорат қилувчи органлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ва ўтказиладиган текширувларнинг асослигилигини ҳолис баҳолаш имконини бермаётти;

Бешинчидан, ўтказиладиган текширувларнинг очиклиги, ошқоралиги ва ҳолисалигини таъминловчи назорат қилувчи органлар фаолияти устидан мустақил жамоатчилик назорати тизими жорий этилмаган;

Олтинчидан, кўчмас мулк объектларини бузиб, давлат ва жамяят эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашнинг амалдаги механизмидидаги камчиликлар уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келмоқда, тадбиркорлик субъектларининг давлатга бўлган ишончига путур етказмоқда, шунингдек, мамлакатнинг инвестициявий ҳозирдорлигини пасайтирмоқда.

Бизнесни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларини Ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини янада қучайтириш, мамлакатда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини Ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг мазкур Фармон кучга кирган вақтда мавжуд бўлган қатъий белгиланган солиқ ва ушбу қарздорлик учун ҳисобланган пенялар бўйича қарздорлиқни, шунингдек, молиявий жарималар ва суд ҳаражатлари (суд чиқимлари бундан мустасно) бўйича қўйидагиларга ҳисобланган қарздорлиқни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги тақлифи маъқуллансин.

2018 йил 1 апрелга қадар яқка тартибдаги тадбиркор макомини йўқотган жисмоний шахсларга ва 2018 йил 1 апрелдан молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган (шу жумладан, фаолиятини вақтинча тўхтатган) яқка тартибдаги тадбиркорларга;

давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлиги учун бир йиллик қатъий белгиланган солиқ суммаси ҳисобланган жисмоний шахсларга.

Ушбу банднинг биринчи хатбоҳисида кўрсатилган қарздорликларни ҳисобдан чиқариш, мазкур банднинг тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбоҳилирида назарда тутилган шахслар 2019 йил 1 январга қадар мuddатда тадбиркорлик фаолиятини тиклаган ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳолларда амалга оширилши белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ушбу бандда кўрсатилган шахсларнинг тадбиркорлик ва молия-ҳўжалик фаолиятини тиклашда, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишда фаол ёрдам берсин, бажарилган ишлар натижалари тўғрисидаги ойлик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

(Давоми 2-бетда).



Кун иқтибоси:

Диний эркинлик ривожланса, мамлакат ҳам ривожланади. Шу маънода, биз Ўзбекистоннинг янада эркин жамяят қуриш йўлидаги қадамларини олқишлаймиз. Шунга қатъий ишонамизки, диний эркинлик даражасининг авваллигига қараганда юқорироқ бўлиши мамлакат, жамяят ва минтақага узвий ижобий таъсир кўрсатади.



Майк ПОМПО, АҚШ Давлат қотиби.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган жисмоний шахслардан тегишли фаолият тури бўйича белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган бир йиллик микдордаги қатъий белгиланган солиқни бир йўла ундириш тартиби бекор қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:
а) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Олий суд билан биргаликда уч ой мuddатда тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларга ҳисобланган ундириш умидсиз бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, мазкур қарздорлик учун ҳисобланган пенялар бўйича қарздорликни, шунингдек, молиявий жарималар ва суд харажатлари (суд чиқимлари бундан мустасно) бўйича қарздорликни хатловдан ўтказсин, кейинчалик кўрсатилган қарздорликларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш чораларини кўрсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Марказий банки, Молия вазирлиги ҳамда Ҳусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда:

— солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги бўлган ва икки ой давомида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби;

— молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш, шунингдек, фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ва муассислари узок мuddат бедарак бўлган ташкилотларнинг умидсиз қарздорлигини ҳисобдан чиқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

4. 2018 йил 1 сентябрдан:
— тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар;
— тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган назорат тартибидagi текширувлар бекор қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 сентябрдан:
— тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилишни назарда тутувчи “хавфни таҳлил этиш” тизими натижалари асосида амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

— назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шарт;

— Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар қонуний ҳисобланади;
— тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг натижалари назорат қилувчи органлар

томонидан текширув тамомлангандан кейин уч кун давомида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилади.

6. Қуйидагилар:
— Ваколатли орган билан келишилган ҳолда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар турларининг рўйхати 1-иловага мувофиқ;

— Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органи хабардор этиш тартибida ўтказиладиган текширувлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

— Назорат қилувчи органлардан бошқа ташкилотларга ўтказилаётган айрим назорат функциялари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 сентябрдан амалга киритилсин.

7. Назорат қилувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Савдо-саноат палатаси билан келишган ҳолда 2018 йил 1 сентябрга қадар мuddатда Ўз фаолиятига “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги тегишли низомиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги назорат қилувчи органларга “хавфни таҳлил этиш” тизимини ўз фаолиятига жорий этишда кўмаклашин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар мuddатда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимининг бошланғич версиясини ишлаб чиқсин ҳамда 2019 йил 1 январдан унинг қуйидагиларга имкон берувчи тўлиқ версиясини ишга туширсин:

а) ваколатли органга:
— назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларида текширувларни ўтказиш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг асослигини ўрганиш ва текширувларни ўтказишга ноёб код билан рухсат бериш;

— назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган текширувлар ўтказиш тартибига риоя этилаётганлиги устидан назоратни амалга ошириш;

б) назорат қилувчи органларга ўтказилган текширувлар натижаларини киритиш;

в) тадбиркорлик субъектларига ўз сўровларига кўра ўтказилаётган текширув ҳақидаги ахборотни қисқа хабар (SMS) кўринишида ҳамда реал вақт режимида Интернет тармоғи орқали олиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ушбу Фармон қондаларини инобатга олган ҳолда “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ўрнатилган тартибда киритсин;

Бир ой мuddатда “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қучга киргунга қадар амал қиладиган Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик

субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низоми ҳамда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги низоми тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5087-сонли Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектлари — Палата аъзоларининг фаолиятида ўтказиладиган текширувлар мониторингини амалга ошириши ҳамда текширувларда иштирок этиши маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда ақунлари юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ахборот тақдим қилиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказиш ҳуққини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Марказий банкнинг 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорларга Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган янги енгил автомобилларни банк корпоратив карталари орқали сотиб олиш ҳуққини бериш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда “Давергеодезкадастр” қўмитаси деб юритилади) ва Адлия вазирлигининг 2018 йил 1 октябрдан кўмас мулкка (ер участкалари, бино ва иншоотлар, кўп йиллик дов-дарактларга) бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштиришни бекор қилиш, тегишли ёзувни кўмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан тузилган битимлар давлат реестрига электрон шаклда киритиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

15. 2018 йил 1 октябрдан шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

— кўмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар тўғрисидаги, шу жумладан, ушбу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши, шунингдек, улар билан тузилган битимлар ҳақидаги ахборот маҳаллий иқро этувчи ҳокимият органлари, давлат нотариал идоралари, Ўзбекистон Республикаси Қўрилиш вазирлигининг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, бошқа ваколатли органлар томонидан “Давергеодезкадастр” қўмитасининг ҳудудий органларига тегишли хатти-харакатлар содир этилган кундан бошлаб бир кун мuddатда ахборот-коммуникация тизимларидадан фойдаланган ҳолда тақдим этилади;

— “Давергеодезкадастр” қўмитасининг ҳудудий органлари ушбу банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ахборотга асосан кўмас мулкка бўлган тегишли



Давлатимиз раҳбари юртимиз равнақиға бевосита дахлдор яна бир муҳим ҳужжатни имзолади. У “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон бўлиб, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Хўш, мазкур ҳужжатни қабул қилишга нима сабаб бўлди? Нега айнан тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмини янада кучайтиришга эътибор қаратилмоқда? Фармоннинг асл мақсади ва мазмун-моҳияти нималардан иборат?

Буларга жавоб беришдан аввал бир мулоҳаза. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, тадбиркор бўлиш осонми ёки қийин? Албатта, осон эмас. Буни умри давомида бир бора бизнес қилиб кўрганлар яхши билади. Олдин гоё, кейин маблағ, ер майдони, асбоб-ускуна, ишчи кучи, маҳсулотга харидор...

Иш бир маромда кетса-ку, яхши. Аммо фаолиятдаги занжир узилса-чи? Бизнесга пугур етиб, банкрот бўлиш ҳеч гап эмас. Давлатимиз ана шундай ҳолатларда ҳам ишбилармонларни ёлғизла-тиб қўймасликка ҳаракат қилмоқда, елкасидан суюб, қўллаб-қувватлаяпти. Зеро, ялпи ички маҳсулотда бизнес вакилларининг улуши 50 фоиздан ортиқ. Аҳолининг ярмидан кўпи эса ана шу тармоқда банд. Демак, бу соҳа эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Шу боис ҳам сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниб, уларга имтиёз ҳамда имкониятлар яратиб берилмоқда. Хаттоки, қўлай бизнес муҳитини яратиш ва хориждан кўпроқ инвестицияларни жалб этиш мақсадида режадан ташкари текширувлар бутунлай тўхтатилди, бир қатор лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди.

Қисқа давр ичида ислохотлар ўзининг иjobий натижаларини берди. Ўзбекистондаги ўзгаришларни хорижда ҳам эътироф эта бошлашди. Жорий йилда Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рей-

тингдада Ўзбекистон 13 позиция кўтарилиб, ишбилармонлик муҳити қўлай бўлган мамлакатлар ўнталигидан жой олгани ҳам фикримиз далилидир.

Лекин тадбиркорликни ривожлантириш ва чет элдан сармояларни жалб қилиш, бизнеснинг қонуний манфаатларини тўлали-

гича ҳимоя этишга салбий таъсир кўрсатаётган муаммолар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмасди. Мисол учун, якка тартибдаги тадбиркорларнинг умумий қарздорлиги 848 миллиард сўмдан ошиб кетганди. Бунда бизнес субъектлари бўйидада қатъий белгиланган солиқдан 165 миллиард сўм, пенядан 52 миллиард сўм, молиявий санкциялардан эса 631,4 миллиард сўм қарз мавжуд эди.

Фармон тизимдаги муаммоларни бартараф қилиш, хусусан, бизнесни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни йўқотиш, мамлакатда инвестицион жозибадорликни ҳамда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида қабул қилингани эътиборга молик.

Айрим фуқароларимиз ҳуқуқий билими етишмаслиги ёки маълум бир харажатлардан қочиб, рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга уринади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони етакчи консультанти Абдуманнон Бўриев. — Натижада тегишли идоралар томонидан оширмаётган, шу жумладан, фаолиятини вақтинча тўхтатган якка тартибдаги тадбиркорларга мавжуд бўлган қатъий белгиланган солиқ ҳамда ушбу қарздорликларга ҳисобланган пеня, шунингдек, молиявий жарима ва суд харажатлари натижасида ҳисобланган қарздорликлар тўлалигича ҳисобдан чиқариладиган бўлди.

Бунинг эса бир шарти бор. Тадбиркорлар 2019 йилнинг 1 январь кунигага фаолиятини тикласа ёки белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтса, шунинг ўзи кифоя. Шунда қарздорлик бекор қилинади. Шу билан бирга, юридик шахсларнинг қарздорлигидан кечиш масаласи ҳам назарда тутилган.

Ҳужжатга мувофиқ, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган назорат тартибидagi текширишлар бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва комму-

никацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиш шарт;

— Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар қонуний ҳисобланади;

— назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шарт;

— Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар қонуний ҳисобланади;

— назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шарт;

— Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар қонуний ҳисобланади;

— назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шарт;

— Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар қонуний ҳисобланади;

хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади; жисмоний ва юридик шахслар мурожаат қилганда, давлат ва бошқа ташкилотлар сўров юборганда “Давергеодезкадастр” қўмитасининг ҳудудий органлари кўмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан тузилган битимлар давлат реестридан тегишли ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи электрон ва (ёки) қоғоз шаклидаги қўчирмани тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда ушбу банднинг талабларидан келиб чиққан ҳолда кўмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва улар билан тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини қайта қўриб чиқсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларининг давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашнинг қуйидагиларни назарда тутувчи янги механизмни жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармани (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил қилиш;

Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аниқ манбаларини белгилаш, уларда маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми маблағлари жалб қилинишини назарда тутиш; давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилишини Жамғарма билан мажбурий тарзда келишиш тартибини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аниқ манбаларини назарда тутган ҳолда, Жамғарма фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарорини қабул қилсин.

17. 2018 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат мажлиснинг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д. С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	
Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июль	

Мажлисидаги мунозара қандай якуни топди?



Депутатлар ишни **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритишни** назарда тутувчи қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чиқишдан бошладилар. Мўхтож шахсларга шошилинч ёки кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни асоссиз рад этганлик учун тиббиёт ташкилотларининг раҳбарлари ва ходимларига жавобгарлик белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси юзасидан қизгин баҳслар бўлди.

Таъкидландики, қўриб чиқилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолини ҳуқуқий муҳофаза этиш ҳамда фуқароларнинг малакали тиббий ёрдам кўрсатилишига бўлган ҳуқуқини таъминлаш, аҳолига шошилинч ёрдам кўрсатиш тезкорлиги, сифати ва даражасини ошириш учун мўлжалланган амалдаги қонунчилик базасини тўлдиради.

Шу билан бирга, депутатларнинг фикрига кўра, ҳуқуқий ҳужжатнинг мазкур лойиҳаси ҳали маромига етказилиши керак, унда мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган “Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар тўла акс этмаган. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг масъул қўмитага фракциянинг фикрлари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳани иккинчи ўқишда қўриб чиқиш учун қонун лойиҳасини маромига етказиш тақлиф этилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш профессионал юридик ёрдам сифатини, адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишларини юритишда тенг ҳуқуқлилик ва бахслашув принципларини тўлиқ амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган, **адвокатура институтини такомиллаштиришни** назарда тутувчи қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда депутатлар **нотариат институти такомиллаштирилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги** қонун

лоийҳасини биринчи ўқишда қўриб чиқдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, нотариал идоралар фаолиятида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга, иқтисодий, оилавий, меросга, уй-жойга ва меҳнатга оид ҳамда бошқа низоларнинг олдини олиш учун нотариат салоҳиятидан тўлақонли фойдаланишга тўсқинлик қилувчи қўллаб муаммо ҳамда камчиликлар мавжуддир.

Қонун лойиҳасининг мақсади жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат институтининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, аҳолига қўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифатини яхшилаш, низоларнинг олдини олувчи институт сифатида ривожлантириш, шахсларни нотариал фаолиятга кириш имконини берувчи самарали, шаффоф, нотариатни ҳалол ҳамда малакали нотариал хизматларни юқори сифатда кўрсата оладиган мутахассислар билан тўлдириш тизимини яратишга қаратилгандир.

Депутатларнинг таъкидлашча, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нотариатни огоҳлантирувчи одил судлов институти сифатида янада ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳисобида давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлиги ошиди.

Шундан сўнг сув, электр ҳамда газ таъминоти хизматлари учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек, истеъмолчиларнинг масъулиятини оширишни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 134-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритишга доир** қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Қизгин баҳслардан сўнг қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинди ҳамда муҳокама жараёнида билдирилган фикрлар ва тақлифларни ҳисобга олган ҳолда, қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш вазифаси масъул қўмиталар зиммасига юклатилди.

Шунингдек, мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига кирувчи бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ СИЁСАТХОН АБДУЛЛАЕВА



Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳаси оғир жу- доликча учради. Кўп йил- лар давомида қишлоқ ҳўжалигида самарали меҳ- нат қилиб, соҳа ривожига муносиб хисса қўшган, мо- ҳир ва таниқли фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Сиёсатхон Абдуллаева шу йил 27 июль кун и вафот этди.

С. Абдуллаева 1940 йил- да Андижон туманида ту- гилди. Меҳнат фаолияти- ни Олтинкўл туманидаги жамоа ҳўжалигида оддий ишчи сифатида бошлаб, кейинчалик шу тумандаги 2-болалар боғчасида тарбиячи, боғча мудираси лавозимларида меҳнат қилди. Дехқончилик касби ва илмига алоҳида меҳр қўйган С. Абдуллаева Ан- дижон Пахтачилик инсти- тутини агроном йўналиши бўйича тугаллаганидан сўнг яна қишлоқ ҳўжалиги соҳасига қайтиб, 1978 йил- дан мазкур туманда шир- қат ҳўжалиги бош пудрат- чиси вазифасида ўз меҳ- нат фаолиятини давом эт-

Ш. МИРЗИЁЕВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, З. МИРЗАЕВ, Б. ЮСУПОВ, А. ҲАЙТОВ, Ш. АБДУРАҲМОНОВ

ТЕХНОЛОГИЯ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз илм-фанида катта аңгилликка кенг йўл очган тарихий аҳамиятга эга ҳўжжат бўлди.

Ўзбекистон нега атом энергетикасини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда?

Бунинг бир қанча асосли сабаблари бор.

Унда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия билан таъминлаш, энергетика сек- торини диверсификациялаш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш каби эзгу ишлар ўз ифода- сини топган. Хусусан, Вазир- лар Маҳкамаси ҳўзурида ташкил этилган Атом энер- гетикасини ривожлантириш агентлиги мазкур жабҳада стратегия йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш билан шўгулланган.

Хозирги кунда бутун дунё- да истеъмол қилинаётган электр энергиясининг ўртача 14 фоизи атом электр стан- циялари хиссасига тўғри ке- лади. Бу кўрсаткичлари айрим давлатлар, хусусан, Франция ва Россия мисолида изоҳлай- диган бўлса, уларда мос ра- вишида 75 ҳамда 16 фоизга тенг. Бундай станциялар учун зарур бўладиган асосий хом ашё — ураннинг 40 грамми- дан олинадиган энергия бир тонна кўмирдан олинадиган энергия билан баробар. Ис- сиклик электр станциялари кўмир, табиий газ каби ёқил- гилар билан ишлаши ва бу жараёнда кислород ютилиб, атмосферага бошқа захарли газлар тарқалишини барчамиз- га яхши маълум. Бу эса, та- бийки, атроф-муҳитга зарар келтиради. Атом электр стан- циялари эса экологик жиҳат- дан мутлақо тоза ҳамда безиёндир.

Энг арзон энергия атом электр станцияларидан оли- нади. Яъни хозирги кунда унинг нархи дунё миқёсида 4 центдан ошмайди. Қўёш- дан олинган энергия нархи 20 центдан ортиқ бўлиб, бу- гунги кунда аҳоли учун соти- лаётган кўш панеллари нар- хи 5 доллар/Втга тўғри кела- ди. Қўёш панеллари ёрдами- да бир квадрат метрдаан 50 ватт энергия олиш мум- кин. Уларни ўрнатиш учун катта-катта майдонлар керак.

Сўнгги йилларда илмий- тадқиқот институтларини жи- хозлар билан таъминлаш, мо- дернизация қилиш деярли эсдан чиқазган эди. Табиий

ва техника фанларига ёшлар орасида қизиқиш ҳам пайсаёб кетгандиган кўз юмиб бўлмай- ди. Етук мутахассислар, ил- мий ходимлар эса даромад- ли иш ҳамда чуқур билим истаб бошқа давлатларга чиқиб кетганди.

Шу маънода, бир хафта мобайнида Президентимиз- нинг соҳага дахлдор битта Фармон ва қарорлари қабул қилиниши беҳиз эмас. Зотан, Фармон бу борада мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилса, “Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳ- нат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва амалий- техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат то- монидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”- ги ҳамда “Тошкент шаҳрида “ММФИ” миллий тадқиқот ядро университети” федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш ва унинг фао- лиятини ташкиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ЎЗМУ ҳамда СамДУда Ядро физика кафедраларида 2018/2019 ўқув йили учун ма- гистратурага қабул режаси- нинг кескин қўлайтирилгани ҳамда Ўзбекистоннинг Бир- лашган Ядро Тадқиқотлари институтига аъзолиги тўлиқ тиклангани, кадрлар етиш- мовчилигига барҳам бериши билан нийоятда аҳамиятли- дир. Энди яхши мутахассис- лар учун катта имкониятлар пайдо бўляпти. Бу эса ёшларда физикага, табиий фанларга қизиқиш ортishiда рағбат бўлиб, пировардида ядро физикаси ривож и учун янги йўл очади.

Толиб МЎМИНОВ, Мирзо Уллубек номидagi Ўзбекистон Миллий университети Яримўтказигчлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтининг Ядро физикавий тадқиқот лабораторияси мудир и, академик.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар давом эттирилмоқда. Бунда асосий эътибор фуқаролар ҳўқўқ ва эркинликларининг ишончли ҳўмоясини қафолатлашга қаратилляпти.

Жиноят қонунчилигини либерал- лаштириш жараёнида жиноятларни жиной и юрисдикциядан чиқариш, авваламбор, катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноят содир эт- ган шахслар жавобгарлигини енгил- лаштириш чора-тадбирлари муҳим ўрин тутади. Бугун қўллаб юрдош- ларимиз инсонпарварлик ва бағри- кенглик тамойиллари асосида жи- ноий жавобгарликдан озод қилин- моқда. Зотан, жиной и жазодан мақ- сад жазонинг муқаррарлигини таъ- минлаш билан бир қаторда, шахс- ни тўғри йўлга қайтариш, жамиятга, давлатга наф келтирадиган инсон сифатида қайта тарбияллашдир.

Харакатлар стратегияси, шунинг- дек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонун- чилигини такомиллаштириш концеп- цияси асосида ушбу йўналишдаги ишлар изчил олиб борилмоқда. Президентимиз томонидан шу йил- нинг 20 июль кун и имзоланган Қонун билан мамлакатимиз Жиноят кодек- сига киритилган ўзгариш ва қўшим- чалар ҳам бунинг аққол тасдиғидир. Ушбу янгиликларга кўра, жавобгар- ликка тортиш учун белгиланган муд- дат қисқартирилмоқда.

2014 — 2017 йилларда жавобгар-

Инсонпарварлик ва жазо муқаррарлиги ифодаси

ликка тортиш бўйича белгиланган 25 йиллик муддатнинг ўтиб кетган- лиги муносабати билан 42 нафар шахс жиноят учун жавобгарликдан озод қилинган. Шу билан бирга, унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят со- дир этганлиги учун қидирувда бўлган шахслар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этиб, тергов ёки суд- дан яшириниб юрган шахслар би- лан бир хил даражада жиной и таъбиқ қилинган.

Жорий йилнинг бошида қидирув- да 10314 нафар шахс бўлиб, улар- нинг 34,7 фоизи унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлиги учун қиди- рилмоқда. Уларнинг 34 нафари 20 йилдан ортиқ вақт давомида қиди- рувда.

Жиноят кодексига киритилган янги ўзгаришларга мувофиқ,

агар ижтимоий хавфи катта бўл- маган жиноят содир этилган кундан бошлаб икки йил муддат ўтган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади. Бунгача ушбу муддат уч йилни ташкил қиларди. Унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кун- дан бошлаб — тўрт йил (аввал 5 йил), оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — саккиз йил (ав-

вал 10 йил), ўта оғир жиноят со- дир этилган кундан бошлаб — ўн тўрт йил (илгари 15 йил) ўтган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Кодекснинг 64-моддаси агар иж- тимой хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн йил, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, деган янги тахирдраги қоида билан мустаҳкам- ланди. Бундай инсонпарварлик прин- циплари инсониятга ва тинчликка қарши жиноят содир этган шахсларга қарши қўлланилмайди. Бу ҳам жа- мият ҳаётидаги энг азиз неъмат — мамлакат осойишталиги, барқарор- лиги ва хавфсизлигига тахид солган- ларга нисбатан жазонинг муқаррар- лигини таъминлайди. Бу тоифага

13 турдаги жиноятлар киритилди.

Фуқароларнинг тинч ва осойиш- та ҳаётини қафолатлаш, жиноятчи- лик ва ҳўқўқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш масала- лари давлат сиёсатида муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда ички ишлар органларида туб ислохотлар амал- га оширилляпти. Соҳада парламент

янада кучайтиришга қаратилган. Унга кўра, молиявий-ҳўжалик фао- лиятининг тафтиш муддати тафтиш ўтказувчи шахсини асослантрил- ган илтимосномаси бўйича суриш- тирувчининг, терговчининг, проку- рорнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг розили- гига кўра ёҳуд суднинг ажрими би- лан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўттиз календарь кунига узайтирилиши мумкин. Тадбиркор- лик фаолият билан боғлиқ факт- лар бўйича тадбиркорлик субъекти- га нисбатан жиноят ишини қўзга- тишга фақат Қорақалпоғистон Рес- публикаси Прокурорининг, вилоят- лар ва Тошкент шаҳар прокурорла- рининг розилиги билан ёҳуд Ўзбе- кистон Республикаси Бош прокуро- ри ёки унинг ўринбосарининг рози- лиги билан йўл қўйилади. Ушбу қўшимча талаблар жорий этилиши тадбиркорлик субъектларига нисба- тан ноқонуний жиной и ишларни очиш ҳолатларига барҳам беришга ҳамда ҳўқўқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларининг масъули- ятини оширишга олиб келади.

Қонунчиликдаги ушбу янгиликлар, шубҳасиз, суд, ҳўқўқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари фао- лиятда фуқаролар ҳўқўқ ва эркин- ликларининг ишончли ҳўмояс и қа- фолатини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ботир МАТМУРОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳўқўқ масалалари қўмитаси раиси.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Шаҳарсозлик кодекси такомиллаштирилади. Нималар ўзгаради?

Депутатлар яна муҳокамага киришишди. Мавзу — Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан тайёрланган “Шаҳарсозлик кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси.

Сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати де- путатлар гуруҳи иштирокда лойиҳа ба- тасфил ўрганилди. Ҳўжжат шаҳарсозлик фаолиятидаги тақлифлар муҳокамаси ва хулосаларни қабул қилишда кенг жамо- атчилик иштирокини кучайтиришни на- зарда тутади. Тақлиф этилаётган янги норма ва меъёрлар қизгин баҳс-муно- зараларга сабаб бўлди.

Шўҳрат БАҒАЕВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Кейинги пайтларда мамлакатимиз туман ва шаҳарларнинг қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда, кўп қаватли уй- лар қурилиб, минглаб юрдошларимиз шинам уй-жойларга эга бўляпти. Бироқ аксарият ҳолларда кўп қаватли уй-жой- лар аҳолининг, кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганмасдан барпо этилмоқда. Улар шаҳарсозлик қонун-қоидаларига қай даражада мослаштирилаётгани, лойиҳалар қачон ва ким томонидан тас- диқлангани, аҳолининг фикри инобатга олинган-олинмагани жамоатчилик назо- ратини ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга. ЎзЛиДеП фракциясининг фикрича, дав- лат органларининг шаҳарсозлик соҳаси- даги фаолиятида очиклик ва шаффоф- лик таъминланмаган, натижада аҳолимиз томонидан давлат органларига нисба- тан ҳақли эътирозлар билдириляптир. Шу боис қонун лойиҳасида аҳолининг тегишли масала юзасидан фикри олин- гандан кейингина шаҳарсозлик ҳўжжат- лари тасдиқланishi шартлиги белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Жаҳонгир ШИРИНОВ, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси концептуал жиҳат- дан маъқул. Аммо унда жамоатчилик на- зоратининг фақатгина иккита шакли, яъни жамоатчилик экспертизаси ва му- ҳокамаси сингари институтлари келти- рилган, холос. Ҳолбуки, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунда бу хил- даги назоратнинг 8 тури кайд этилади. Лойиҳа мазкур Қонун билан мувофиқ- лаштирилмаган. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида жамоатчилик ва жамоатчи- лик фикри каби тушунчаларга алоҳида изоҳ бериляпти. Бу таърифлар керак

ган қарор, аввало, давлат манфаатлари, қолаверса, келажак авлод тақдирига дахлдор ҳисобланади. Мисол учун, янги кўприк бунёд этилиши сабабли бир гуруҳ аҳолининг уйлари бўзиладиган бўлди. Табиийки, бунга нисбатан жамоатчилик ўзининг қаршилигини билдиради. Шун- дай шaroитда қонун лойиҳасида белги- ланган нормалар бузиш ёки бузмаслик ҳақидаги қарорнинг тўғри ва адолатли чиқарилишига хизмат қилиши керак. Лойиҳада давлат бундан 50 — 100 йил кейинги вазиятни ҳисобга олиб янги қурилишга қўл ураётгани асосланган ҳолда келтирилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада олиб бориляётган шаҳарсоз- лик сиёсатининг аниқ мезонлари келти- риб ўтилиши лозим. Тақлиф жамоатчи- лик экспертизаси ёки жамоатчилик му- ҳокамасига чиқарилди, дегани аниқ, тўғри қарорга келинди, дегани эмас.

Миллий богдаги қурилиш ва янгила- ниш ишлари ҳам бошида ижтимоий тар- моқлар орқали жуда катта муҳокамага сабаб бўлган эди. Аммо вақт ўтгандан кейин одамларнинг фикри ўзгарди. Чун- ки бу манзилда янада обод, янада ши- нам мажмуа барпо этилиши шаҳар аҳли- га тушунтирилди. Шунга ўхшаган маса- лаларда аниқ ва тўғри қарорга келиш учун ҳам қонун лойиҳасида бир-бирига зид келмайдиган ва пухта нормаларни белгилаш керак.

Бунёдбест ЭШОНҚУЛОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Лойиҳада ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳўқўқларини ҳам инобатга олиб, улар учун алоҳида нормаларни белгиланиш тақлиф қиламиз. Чунки за- монавий шаҳарсозликда алоҳида эҳтиё- жи бор инсонлар учун ҳам қурилишдаги меъёрлар мажбурий жорий этилиши ке- рак. Аҳоли билан учрашувларимизда кўп қаватли уйларда истикомат қилувчилар- дан ногиронлик аравачалари учун йўлак- ларнинг йўқлиги, бу тоифа инсонларнинг мустақил ҳаракатланиши учун шaroит- лар етарли даражада яратилмагани ху- суусида ҳам муҳожазатлар қилинган.

Бундан ташқари, уй-жой коммунал хиз- мат кўрсатишини янада такомиллаштириш, ижтимоий инфратузилмани ривожланти- риш ва шаҳар бўйлаб аҳоли учун велойўлакларини қуриш каби қўлайликлар- ни тақлиф этамиз. Лойиҳа шаҳарнинг бун- дан юз йил кейинги тараққиётини қўзлаб қабул қилиниши ва шунга муносиб тарз- да мукаммал ишлаб чиқилиши зарур.

Шўҳрат ЯКУБОВ, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Шаҳарсозлик дегани бир, икки йил- лик иш эмас. Ҳар бир қабул қилинаёт-

Қонун лойиҳаси — долзарб. У шаҳарсозлик фаолиятининг очиклигини, бунда оддий одамларнинг фол иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Муҳокамада ҳар бир фракция ўз электорати манфаатларини ҳўмоя қилди. Бир қатор амалий тақлифлар ўртага ташланди. Лойиҳа эндиликда соҳанинг етакчи экспертлари томонидан ўрганилади ва янада такомиллаштирилади.

Фарғона вилоятининг Кўқон ва Маргилон шаҳарлари ҳокимияти вакиллари ҳамда бир гуруҳ тадбиркорлар тўғридан-тўғри инвестициялар олиб киришни қўпайтириш мақсадида Хитойга боришди.

ҲАМКОРЛИК

Юрдошларимиз Хитой Халқ Рес- публикасининг қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва лойиҳалаш бўйича етакчи давлат қорхоналаридан бўлган “China Building Building Material Academy” компаниясининг тарихи, қўлга киритган ютуқлари ҳамда келажакдаги режалари билан ақиндан танишгач, “Beijing Triumph International Engineering Co., Ltd” компанияси бош офисига му- зокаралар бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқаролар соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси таносил касалликларига чалинган беморларни тиббий қўриқдан ўтказиш ва даволаш ишлари ҳолатини Ички ишлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутахассислари билан биргаликда ўрганди.

Ижтимоий хавфли касалликка қарши қонуний асосларни мустаҳкамлаш зарур

Маълум бўлишича, 2016 йил- нинг 31 августига қадар мамлакатимизда таносил ка- салликларини текшириш, мажбурий даволаш ишлари соғлиқни сақлаш вазири ҳамда ички ишлар вазирининг 1997 йил 15 майдаги “Хавф- ли гуруҳга кирувчи шахслар- нинг жинсий йўл билан юқу- ви касалликларини профилактика- си тўғрисида”ги бўйруғига мувофиқ амалга оширилган. Аммо бу бўйруқ бекор қилин- гани сабабли хозирги кунда таносил касалликларини аниқ- лаш бўйича мажбурий тиббий қўриқ ўтказилмаляпти. Ижтимоий хавфи юқори бўлган ушбу хасталикка чалинган шахслар тўғрисидаги статистик маълу- мотлар юритилмаляпти.

Парламент қуй палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақ- лаш масалалари қўмитаси то- монидан “Республикаимизда таносил касалликларига ча- линган беморларни тиббий қўриқдан ўтказиш ҳамда улар- ни даволаш ҳолати” мавзусида ўтказилган давра сўхбатига бу масала депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, соғлиқ- ни сақлаш муассасалари раҳ- барлари, шунингдек, қўмита экспертлари иштирокда му- ҳокама қилинди.

— Тошкент шаҳар тери-та- носил касалликлари диспан- серининг 2016 йил 31 август- га қадар бўлган фаолияти ўрганилганда, таносил касал- лигига чалинган шахсларни аниқлаш, диспансерга олиб келиш, уларнинг таъминоти, даволаш учун ётқишиш бора- сида қатор муаммолар мав- жудлиги аниқланди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик па- латаси депутати, ишчи гуруҳ аъзоси Мухаррам Дадаҳўжаев. — Ҳўқўқий асос бўлмаган ҳолда, фуқаро фақатгина

тери-таносил касаллиги эҳтимо- ли билан диспансерга олиб келиниб, уч кун мобайнида текширишдан ўтказиш учун мажбурий сақланган. Бу даврда унга тўрт маҳал ов- қатланиш, кўрпа-тўшак учун бюджетдан пул сарфлаб ке- линган. 2016 йил 9 оyi мо- байнида ички ишлар органла- ри томонидан текшириш учун олиб келинган 2608 нафар шахсдан фақатгина 577 нафа- ри (22 фоизи) Тошкент шаҳ- рида доимий яшовчи бўлса, қолганлари бошқа ҳудудлар- дан келган шахслардир. Бироқ уларни тиббий қўриқ- дан ўтказиш, даволаш билан боғлиқ харажатлар фақатгина Тошкент шаҳар фуқаролари учун Давлат бюджетдан аж- ратилган маблағлар ҳисоби- дан амалга оширилган. Де- мак, кўриниб турибдики, со- ҳадаги муносабатларни қону- ний тартибга солиш талаб этилади.

Тадбир иштирокчилари бу борадаги меъёрий-ҳўқўқий ҳўжжатларни такомиллашти- риш, жумладан, “Таносил ка- салликларининг профилактика- си ва даволаш тўғрисида”- ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида фикр алмашди. Қайд этилгани- га, янги нормаларнинг қабул қилиниши, хозирги кунда рес- публикаимизда ҳўқўқий жиҳат- дан тартибга солинмаган, аҳолининг соғлиғи учун хавф- ли бўлган таносил касаллик- ларини мажбурий даволашга имкон яратиб, тарқалишининг олдини олишга ёрдам беради.

Давра сўхбатига билди- рилган фикр-мулоҳазалар асосида қўмита томонидан те- гишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мунисхон ҚАРИМОВА.

Фарғонага инвесторлар қизиқиши тобора ортмоқда

Фарғона вилоятининг Кўқон ва Маргилон шаҳарлари ҳокимияти вакиллари ҳамда бир гуруҳ тадбиркорлар тўғридан-тўғри инвестициялар олиб киришни қўпайтириш мақсадида Хитойга боришди.

ҲАМКОРЛИК

Юрдошларимиз Хитой Халқ Рес- публикасининг қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва лойиҳалаш бўйича етакчи давлат қорхоналаридан бўлган “China Building Building Material Academy” компаниясининг тарихи, қўлга киритган ютуқлари ҳамда келажакдаги режалари билан ақиндан танишгач, “Beijing Triumph International Engineering Co., Ltd” компанияси бош офисига му- зокаралар бўлиб ўтди.

Фарғоналикларнинг бир гуруҳи Пе- киндан Хубэй провинциясининг Ухань шаҳрига, иккинчи гуруҳи Шандон про- винциясининг Зибо шаҳрига йўл олди. 60 миллион аҳоли истикомат қилади- ган Хубэй провинциясида қурилиш ва автомобиль саноати учун пўлат рун- лонлар ишлаб чиқарувчи “China Baowu Steel Iron Company”, фармацевтика соҳаси- даги “China Maneco Co., Ltd” компа- ниялари билан музокаралар чоғида мамлакатимизда хоржий инвесторлар- га яратилаётган имкониятлар, солиқ ва боғжона имтиёзлари, “Кўқон” эркин иқтисодий зонаси бўйича тўлиқ маъ- лумот берилди.

“Westin” меҳмонхонасининг мажлис- лар залида делегация аъзолари ҳамда Ухань шаҳри ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси ва Хубэй провинциясининг 50 дан ортиқ тадбиркорлари иштиро- кида бизнес форум ташкил этилди. Фо- рум қатнашчилари Ўзбекистонда сўнгги икки йилда амалга оширилаётган улкан ислохотлар, хоржий инвесторлар учун

яратилаётган имкониятлар, очик эшик- лар сиёсати ҳақида ўз фикр-мулоҳаза- ларини билдирдилар.

Шунингдек, олтингурутни қайта иш- лаш, ўтга чидамли гишт, форфор чини- ни (bone ceramics) идишлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишуиларга эришилди. “Shaffof Omadi Sanoat” ва “The Urumqi Silk Road Power Trading Co.,Ltd” корпо- рациялари ўртасида олиб борилган музо- каралар натижасида томонлар сикил- ган газ учун баллонлар ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам меморандум имзоландилар.

Сафар чоғида имзоланган ҳўжжатлар натижасида Фарғона вилоятига 400 миллион АҚШ долларидан зёйд миқдорда хоржий инвестиция олиб ки- рилиши кутилмоқда. Бу эса янги кор- хоналар, янги иш ўринлари ва аҳоли турмуш даражасининг ўсиши демакдир.

Гулбохор САЙДГАНИЕВА.



Зомин оҳанрабоси

Жиззах вилоятининг Зомин тумани пурвиқор тоғлари, гўзал табиати билан машхур. Денгиз сатҳидан 3000 метр баландликда жойлашган тоғлар бағрида ям-яшил арчазорлар, зилол сувли булоқлар, шифобахш гиёҳлар ва ўсимликлар дилни яйратади. Бу ерда қадимги кўрғон ва қалъалар харобаларини ҳам учратасиз ҳамда бугунги кун билан уйғунашиб кетган замонавий кемпинглар, дам олиш масканлари, бир қанча турдаги сайёҳлик йўналишларига дуч келасиз. Буларнинг барчаси кишида катта таассурот уйғотади.

Умумий майдони 26 минг 840 гектарга тенг Давлат кўрикчаси, 24 минг 110 гектар майдондаги Халқ боғи ноёб тоғ экотизимларни сақлаш, тиклаш ва тадқиқ этиш имконини беришидан ташқари табиий шифохона саналади. Унда экосайёҳлар учун қулай шарт-шароит яратилган. Ун икки минг гектарга яқин майдонга эга энг йирик ва табиий ўрмонлар айнан юртимизнинг Зомин туманида жойлашган. Тоғ ёнбағирлари гўзал даралар билан ўралган. Дарё ва сой бўйларида октераклар, мажнунтоғлар ва жийдалардан иборат тўқайзорлар ястаниб ётади. Қарағай ўрмонларида юртимиз “Қизил китоби”га киритилган 14 та ноёб ҳайвон ва 18 турдаги ўсимликлар мавжуд.

Баланд тоғлардаги минг йиллик арчалар қўланқасидаги қорлар май ойининг охиригача эримай, сон-саноксиз булоқларни сув билан таъминлайди. Уларнинг муштаҳкам илдиригилари эса энг тик тоғ ёнбағирларидаги тупроқни маҳкам “ушлаб”, уларни сув ёки ҳаво таъсиридаги нурашлардан сақлаб қолади. Арча ўрмонлари ичида кўп йиллик тупроқ қатламида илдиригилардан 700 хилдан ортиқ ўсимлик дунёси барқ уради. Бу ердаги ҳайвонот дунёсининг аксари яттини қуён, тулки ва жайралар ташкил қиладди. Бўри, тўнгиз, айиклар, баъзида Туркистон силвосинлари ва Помир тоғ йўлбарсларини ҳам учратиш мумкин. Ноёб қушлардан бўлмиш қора лайлақлар, тоғ қакликлар ва уларнинг йирик тури — тоғ қурқалари сони анча.

Турнақўзли чашмалар орасида Шербулоқ бўлоғи халқ орасида жуда машхур. Атрофи тошдан ясалган зина ва йўлакчалардан иборат кичик қор тубига тишини ёрар зилол сув шер боши шаклини эслатувчи тошдан шарқираб оқиб тушади. Булоқ суви таркибида кальций моддаси жуда қўпчилиги боис ундан совитилган сутнинг таъми келади. Шунинг учун аҳоли ва сайёҳлар уни севиб истемол қиладди.

Зоминда жойлашган бир қатор археологик ёдгорлик мажмуалари сайёҳларни ўзига жалб этади. Шулардан бири Зоминсувнинг ўнг қирғоғида жойлашган Оқтепа ёдгорлик мажмуаси бўлиб, ёдгорлиқнинг шимолӣ кесимида Х — XII асрларга оид тарихий буюмлар топилган. Равот — Зомин йўлининг чап томонидаги Шўрчи қишлоғида жойлашган Тўртқўлепа ёдгорлиги ўз даврида машхур қарвонсарой ҳисобланган. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида олиб борилган археологик изланишлар чоғида қарвонсаройнинг кириш эшиклари топилган. Дарвоза химоя деворининг қоқ марказида жойлашган бўлиб, атрофдаги деворлар арқ қўринишида қурилган, уларнинг қалинлиги тахминан 2,5 метрни ташкил этади. Кичик хоналар ва омборхоналардан иборат қарвонсарой тўрт тарафдан химоя деворларига эга. Тарихий ёдгорликлар Сомониylар ва Қорахонийлар сулоласи ҳукм сурган даврларга тегишли эканлиги айтилади. Мих кўрғони эса юртимиздаги бошқа сарой ва обидалардан фарқи равишда, миллий нақшлар билан безатилмаган. У тоғ тошлари ва қумлоқ тупроқдан бунёд этилган. Бу қалъа анча қадимий, шундай бўлса-да, манбаларда келтирилмаган. Бу қалъани 1987 йилда археологлар тупроқ остида, ўз шаклини сақлаган ҳолда қайтадан дунёга келтиришга муваффақ бўлишган. Зомин ту-

мани миллий боғ ҳудудида муҳофаза этиладиган объектлар қаторига киритилган. Мих кўрғони Зоминсув дарёсининг ирмоғи Еттикечув водийсининг Чортонги дарасига туташ ҳудудда жойлашган харобалар бўлиб, қадимда тоғ қонида ишловчи инсонлар учун яшаш, ов қилиш ва керак бўлганда душманлардан химояланиш учун қалъа вазифасини бажарган. Мих кўрғони харобаларида ўтказилган тадқиқотларда VI-VII асрларга оид тангалар, жез буюмлар, мато ва темир қолдиқлари топилган. Бу қалъада аввал араблар, кейинроқ хитойликлар яшаган. Хитойликлардан сўнг бу қалъа Мих деб атала бошланган. Бунинг асосий сабаби, хитойликлар атрофдаги тошларни эритиб темир олишгани экан. Унинг қолдиқлари ҳозиргача қалъа атрофида сочилиб ётади.

Туманда оромгоҳлар жуда кўп бўлиб, улар ичида энг машхури “Зомин” санаторийсидир. У туман марказидан 50 километр узоқликда, Туркистон тоғ тизмасининг шимолӣ ёнбағрида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда, Қорақарағали боғларни

қўриқлаш ҳудудида жойлашган. Шу сабабли, атмосфера босими нисбатан паст ва ҳавонинг кислород ҳамда ультрабинафша нурлари билан тўйинганлиги юқори нафас йўллари ва асаб тизими касалликларини даволаш учун жуда фойдалди.

Зомин маҳаллий ва хориқлик сайёҳларни доимо ўзига жалб этиб келгани боис бугунги кунда бу ерда экотуризм йўналишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўрик-лисей шашвараси, ёши 1000 га яқинлашган “Бобоёнғок” дарахти, “Қирқ қиз” каби табиат ёдгорликлари сайёҳларни чексиз ҳайратга солади.

Суффа радиотелескопи Зомин тоғларининг энг баланд нуқтасида жойлашган бўлиб, атрофи арчазорлар билан ўралган текисликдан иборат. Маҳаллий халқ орасида “суфа” номи билан машхур. Фан тилида бу жойни “Суффа” платоси дейишади. Бу ерда ўтган асрнинг қасосинчи йилларидан бошлаб радиоастрономик мажмуа қурилиши бошланган бўлиб, кейинроқ тўхтаб қолган эди. Мажмуада тўлқин узунлигини миллиметрлик диапазонда нурланишни қабул қилиб оладиган 70 метрлик диаметрға эга параболик антенна ўрнатиш режалоштирилган. У самодан ноёб маълумотларни қабул қилиб олиш, уни ёзиш ва олимларимизга етказиш учун мўлжалланган. Телескопнинг, айнан Зомин тоғларида қурилиши ҳам бе-хиз эмас, чунки денгиз сатҳидан 2400 метр баландликда жойлашган, чанг-тўзон кузатилмайдиган, йил давомида очик об-ҳаволи кунлар кўп бўладиган бу ҳудуд астроиклим учун жуда мос. Бугунги кунда Суффа радиотелескопнинг асосий тайёрлиги элик фоидадан зиёда баҳоланган. Унинг қурилиши давом эттириш, параболик кўзгуни созлаш, эҳтиёт қисмларни олиб келиш, ўрнатиш ишлари учун Россия давлати билан 100 миллион АҚШ долларлик шартномалар имзоланиши кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда Зоминга ташриф буюрган сайёҳлар мажмуа яқинига бориш имконига эга бўлмасалар-да, уни узоқдан суратга олиш, селфига тушиши ва у ҳақда маълумотлар олишлари мумкин.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

“Адабиёт яшаса — миллат яшар!” Улуғ ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг бу сўзлари шу кунларда адабий давраларда тез-тез янграмоқда. Негаки, 7-8 август кунлари пойтахтимизда ўзбек адабиётини дунёга танитиш мақсадида илк марта “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқро микёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзuida нуфузли халқро конференция ташкил этилмоқда.

Мазкур тадбирнинг аҳамияти шундаки, илгари ўзбек иҳодкорлари онда-сонда ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда асарларини чет тилларга таржима қилиб, нашр этиб келган бўлсалар, эндиликда бу мунтазамлик тусини олади. Маҳоратли мутаржимлар ушбу анжуман доирасида адабиётимизнинг энг сара асарларини танлаб, ўз тилларига ўгириш имкониятига эга бўлади.

— Ҳақиқатан ҳам, дунё халқлари билан адабий алоқаларни муштаҳамлаш, ўзбек адабиётини кенг тарғиб этишга бағишланган мазкур халқро конференция миллий адабиётимиз учун янги имкониятлар эшигини очади, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси расиси Сирожиқдин Саййид. — Унда қарийб ўттизта давлатдан қирққа яқин меҳмонлар иштирок этиши кутилмоқда. Анжуманда биз адабий-эстетик идеалнинг умуминсоний микёслари хусусида сўз юритамиз, мунозара, мувоҳаса қиламиз. Конференцияда ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти намуналарининг хорижда ўрганилиши ҳамда тарғиб этилиши, бадий таржима муаммолари, моҳир таржимонлар тайёрлашда миллий ва жаҳон тажрибасини уйғунаштириш, халқро адабий алоқаларни кучайтиришнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилади. Ёшлар

атоқли олимлар, машхур адибу шоирлар, адабиёт таржимонлар илмий-иҷодий лабораторияси билан яқиндан танишиш, маҳорат сирларидан баҳра олиш имкониятига эга бўлишади.

Конференция ишида қатнашиш учун ташриф буюрувчиларнинг асарияти хориж университетларида ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ бериб келадилар. Келгуси илмий изланишларида асқатиши ҳам назарда тутилган ҳолда улар учун му-

Конференцияга тайёрларлик жараёнида ўзбек адабиётини хорижий мамлакатларда тарғиб этиш билан шуғулланаётган олимлар, таржимонлар ва шоирлар билан алоқалар ўрнатилди. Тадбир доирасида ўзбек адабиёти намуналарини чет элларда нашр қилиш масаласида ҳам бир қанча музокаралар ўтказилади. Озарбайжон, Тожикистон, Қирғи-

мунтазам хабардор бўлиш, уларни мувофиқлаштириш имкониятини яратади.

Меҳмонлар Шарқ гавҳари — Самарқанд саёҳатида Амир Темур, Ҳазрати Хизр мақбаралари, Биринчи Президентимиз Исрол Каримов қабрини зиёрат қилишади. Регис-

тон майдони, Мирзо Улугбек расадхонаси, Шохи Зинда ансамбли ва Имом Мотуридий мақбараси сингари тарихий масканлар уларда ёрқин таассурот қолдиришига ишончимиз комил.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ҳамда қўллаб-қувватланаётган ушбу йирик ташаббус — халқро анжуманнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учун алоҳида меҳр ва эътибор билан қуриб берилган муҳташам бинода ўтиши аҳамияти жиҳатидан тарихий воқеадир.

Бинобарин, жаҳонда ўзбек адабиётини янада кенг микёсда тарғиб этиш, унинг нуфузи муштаҳамланиши, Ватанимиз обрў-эътиборининг ортишида мазкур конференция, шак-шубҳасиз, муҳим ўрин тутади.

Д. КАРИМОВ
суҳбатлашди.

МАДАНИЯТ хабарлари

Шифобахш наволар

Бухорода “Навонинг шифобахш наволари” номли мақом кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда “Мухаммаси Насрулло”, “Сарафори дуғоҳ” каби ўзбек мумтоз мақомларида намуналар ижро этилди.

Мақсад — замон қаҳрамонини яратиш

Пойтахтимизда “Театрларда замон қаҳрамони образини яратиш” мавзuida матбуот анжумани ўтказилди. Унда мазкур мавзuida маърузалар қилинди ва мутасаддилар зиммасига аниқ вазифалар қўйилди.

Ватанни қуйлаш саодати

Хоразмда “Яғонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ватанимизни тараннум этувчи тароналар ижро этилган тадбир якунида қолиблар тақдирланиб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўланма берилди.

Маданият вазирлиги хабарлари асосида
Д. СОДИҚОВ тайёрлади.

Муковада ўқувчининг тасаввури акс этсин

Китоб — маънавий бойлик, ақл қайроғи. Шу маънода, уни нашр этишнинг ҳам ўз этикаси, тартиб-қоидалари мавжуд. Бирок бугун айрим наشريётлар бежирим, ҳаридорни ўзига қорлайдиган китобларни дўконларга чиқариш билан овора бўлиб, асосий жиҳатни эътибордан четда қолдирмоқда. Бу — китоб муқоваси.

МУШОҲАДА

Маълумки, тажрибали расомлар китоб юзидаги тасвирларда асардаги асосий маънони очига интилган. Қўплаб бадий асарларимизнинг муқоваси китобхонни узоқ мулоҳазага қорлаши, муталаага жалб этиши шундан.

Аммо ҳозирги кунда баъзи наشريётлар бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, аксарият китобларни муқовалашда асар мазмун-моҳияти унутилиб, унинг ха-

рид муаммосини ҳал эта оладиган тасвирларга урғу бермоқда. Бадий китоблар юзида турли актив ўқирасалар, шоу-бизнес вакиллари-нинг антика суратлари жой олмоқда. Афсуски, бундай муқовалар китоб олди-сотдисига ўз таъсирини кўрсатади.

Яна бир ҳолат: сценарий-си асосида бадий фильм суратга олинган асарни қайта нашр этишда ўша кино

қаҳрамонлари расмларидан фойдаланиш масаласи.

Аниқки, ҳар қандай фильм унга асос бўлган асарнинг мазмун-моҳиятини, муаллифнинг ўй-қарашлари, ўқувчига ҳам “юқадиган” ҳиссиётларини тўла очиб бера олмайди. Чунончи, қўлимизга олган “Ўткан кунлар” китобиға 14 — 18 ёшли китобхон нигоҳи билан қараймиз. Хулосамиз эса оддий. Энди романи ўн марта ўқиган тақдирда ҳам, бу чанқоқ кўнгли ойнасида Отабек ва Қумуш худди китоб муқовасидагидек акс этиб туради. Мамлакатимиз бўйлаб тарқалган китобни неча киши ўқиса, шунча бир хил тасаввур. Мукова аслида нима мақсадда шу қўри-нишға келтирилган ва матбаачилар назарида қанчалик фойда бераётган бўлмасин, факатгина тасаввурларнинг

биқиб ва сиқиклиғига хизмат қиладди.

Бугун айрим ёшларимизға адабиётимизда яратилган йирик романлар мазмунига оид бирор саволни берганимизда, бутун сюжетнинг ярим-ёртисига таяниб суратга олинган фильмдаги таассуротларига таяниб жа-ваб беришининг асосий сабаблардан бири шу.

Назаримизда, бундан кейин фильмға айланган асарларни қайта нашр этаётган мутахассислар муаллифнинг тасаввури, унинг бирламчи ижоди ҳурматида санъаткорлар суратини муковаға жойлаштирмасалар, мақсадға мувофиқ бўларди. Турфа оламда минг турфа одам экан, бадий асарларимизни муталаа қилаётган ҳар бир китобхон уни ўз тасаввурида қўраверсин.

Маъмура ЗОҲИДОВА.

Тақдимот

нафаслик ҳиссини туйиб, ҳикматлар замиридаги маънолар маҳзанидан баҳраманд бўлади, ҳаёт ҳақидаги тасаввури бойийди.

Ҳар бир ёш раҳбар ўз жамоасида обрў-эътиборли бўлишни, жамоадаги маънавий муҳитни, жиқслик ва ақдиллиқни таъминлашни истаиди. Бунинг учун у билимини бойитиши, тажриба тўплаши лозим. Шу маънода, “Ёш раҳбар энциклопедик лугати” ёш бошқарувчилар учун зарур қўланмадир.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

000 «Butlash Garant Servis»
предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетономеситель гравитационный MC-200

Технические характеристики:
MC-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетономеситель гравитационный СБР-500А.1

Технические характеристики:
СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

Форма оплаты — перечисление.

000 «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 39А.
Телефоны: (+99897) 760-86-00, (+99890) 370-86-86.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюролма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

Тажририята келган қўлағмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер терминал хамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббеов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.13 Топпирилли — 02.15 1 2 3 4 5 6